



## ГИПЕРБОЛА ВА УНИНГ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ПРОЗАСИДА ҚЎЛЛАНИШ ПРИНЦИПЛАРИ ХУСУСИДА

**Бозоров Зокир Мехрикулович,**  
СамДЧТИ Таянч докторантура (PhD) докторанти

**Калим сўзлар:** тасвир, ҳолат, гипербола, байналмилал, гипер элементи.

Бадиий тасвир воситалари адабиётнинг бошқа санъат турларидан фарқли хусусиятларидан ҳисобланиб, аксарият ҳолларда бу воситалар бадиий матннинг нуфузини белгилашда асос сифатида марказий ўринда туради. Шундай воситалардан бири ва нисбатан энг кўп қўлланиши билан ажралиб турувчи гипербола (муболаға) бўлиб алоҳида хусусият касб этади.

Муайян тасвир ёки ҳолат ифодасини беришда, ёзувчи ёритишга интилаётган масаланинг ечимида кенг қўлланувчи тасвирий воситалардан ҳисобланган гипербола бадиий матнда муҳим аҳамиятга эга. Гипербола сўзи аслида (юнонча *hyper-hyper* - уст, юқори, нариги томон) маъноларини билдирувчи олд қўшимча сифатида қўлланиладиган элементнинг маъновий жиҳатларидан бири билан боғланади. Мазкур олд қўшимча ўзбек тилидаги байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан ортиқлигини, бирор нарсанинг юқоридалигини кўрсатиш, шунга ишора қилиш маъновий хусусиятига эга. Гипер (*hyper*) элементи билан боғлиқ тушунчалар бошқа соҳаларда ҳам, хусусан тиббиёт, математика ва бошқа йўналишларда ҳам қўлланилади.

Гипербола (*hyperbole*) шарқ халқлари адабиётидаги муболаға санъатининг европача номланиши ҳамдир. Гипербола - нарса-ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлашни назарда тутати. Худди шунингдек, **муболағага** берилган таъриф ва тавсифлар ҳам нарсаларни, воқеа ва ходисаларни, хис-туйғуларни, белги-хусусиятларни ўта бўрттириб тасвирлаш сифатида қайд этилади. Муболаға ҳам тасвирнинг таъсирчан чиқишига, образли ифодаланишига хизмат қилади.

Муболағанинг сўз маъносининг кўчишига асосланиши унинг троплар (кўчим) гуруҳига мансублигини кўрсатса ҳам, у тропнинг бошқа кўринишларидан фарқ қилади. Чунки тропнинг бошқа кўринишларида кўчма маъно маълум бир белги асосида ўхшатиш, таққослаш, воқеа-ҳодиса ёки предметлар ўртасидаги боғлиқликка кўра бўлса, муболаға эса тўғри маънода тушунмасликни талаб этади. Муболағага асосланган кўчим бадиий матнга нутқ предметиға нисбатан тингловчи ёки китобхон эътиборини тортиш ва нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлаш мақсади билан олиб кирилади. Муболағада ифодаланаётган ахборот табиийки, ҳаёт ҳақиқатига мос келмайди. Лекин меъёр бузилса, кутилган эффе́ктуга эришилмаслиги ҳам мумкин. Аслида муболағали нутқ ва матннинг асосий мақсади ахборот бериш эмас, балки тингловчи ёки ўқувчиға таъсир қилишдир.

Ижодкор сўзлар ёрдамида воқеликни юксак бидийлик билан акс эттирар экан, асарни ўқишда ўқувчи ҳам уни аниқ тасаввур этади. Ёзувчи аниқ танланган сўзлар ёрдамида муайян воқеа ёки ходисанинг белги ва хусусиятларини ўзи белгилаган маромда очиб беради. Бунда сўзнинг қудрати унинг умумий маъноси билан эмас, балки матн мазмуни, унинг прагматик факторлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунга асосан ижодкорлар сўзнинг асл ва бошқа маъно қирраларидан фойдаланиб маҳорат кўрсатадилар. Ҳозирги кунда, муболаға ёзувчи яратган бадиий матннинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ҳамда унинг ишлатилиш доираси ўқув жараёни билан чекланиб қолмайди. Шунинг таъкидлаш лозимки, муболаға доимо назм ва наср вакиллари учун муҳим бўлиб келган. Муболағанинг иштирокисиз назм ҳам, наср ҳам, ҳатто



сиёсий нутқ ҳам ўрганувчилар учун кизиқарли бўлмаган бўларди. Шунинг учун, ушбу мавзу бир вақтнинг ўзида ҳам кизиқарли, ҳам долзарбдир.

Муболаға асли арабча сўз бўлиб, шарқ адабиётларида “лоф уриш, бўрттириш” – тасвирланаётган нарса, шахс ва воқеа-ҳодисанинг муайян жиҳатларини бўрттириб, кучайтириб тасвирлаш усули сифатида қаралади. Шарқ мумтоз шеърлятида муболағага шеър зийнати сифатида қаралиб “энг яхши шеър – энг ёлгон шеърдир” деган нақлга амал қилинади.

Ёзувчи А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романининг “Чин ўртоқ” фаслида Анварнинг марҳум дўстига атаб ёзган марсиясида ҳам мазкур ҳолатни кузатишимиз мумкин:

Очилмай сўлса ҳар гул ғунчаси пир-у жавон йиғлар,

Эмас пиру жавон, балки ҳама аҳли жаҳон йиғлар.

Ажал йағмоғари боғи зако ичра узиб занжир

Раҳмсиз эса масъум лолаларни, чун хазон йиғлар.

Жаҳонда эрди танҳо мен етимга ҳамнишин, дилдор,

Ғарибликнинг диёрида адашган нотавон йиғлар...

Мазкур байтлардаги *пир-у жавон йиғлар*, *ҳамма аҳли жаҳон йиғлар*, *жаҳонда эрди танҳо ҳамнишин*, *ғарибликнинг диёрида адашган нотавон* жумлаларида муболағали тасвирнинг намуналарини кўриш мумкин.

Албатта, муболаға бадий тасвир воситаси сифатида яқка келмай, ўзи билан бирга қўлланилган бадий тасвир воситалари билан ҳам уйғунлашган ҳолда янада аниқ, кучли ва таъсирчанликка эга бўлади. Келтирилган байтларнинг биринчисидан гул-ғунчанинг очилиб улгурмасдан сўлиши пир-у жавонни йиғлатиши тасвири берилар экан, байтнинг иккинчи мисраси бошида *эмас пиру жавон* деб, аввал айтилган фикрдан қайтилади ва бу орқали ружуъ деб номланган бадий тасвир воситасини ҳам қўллайдиган ҳамда *ҳама аҳли жаҳон йиғлар* деган биринчи мисрадагига қараганда кучлироқ муболағали тасвирни келтиради. Шунингдек, мазкур шеъринг парчада муболаға билан

параллел келган жонлантириш (*чун хазон йиғлар*), ўхшатиш (*ғарибликнинг диёрида адашган нотавон*) сингари тасвирий воситалар ҳам муболағанинг янада кучлироқ чиқишига, унинг ўқувчи тасаввурига аниқ етиб боришига хизмат қилган.

Бунда тасвирланаётган бадий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини яққолроқ намоён қилиш, ўқувчи кўз олдида ёркинроқ гавдалантириш учун тасвир объекти катталаштирилади. Дарвоқе, муболағали тасвирнинг бир неча турлари мавжуд. Уларни шартли равишда таблиғ, иғроқ, ғулув сингари турларга бўлиш мумкин. Таблиғ муболағанинг шундай турики, бунда тасаввур қилиш мумкин-у, амалга ошириш қийин бўлган бўрттиришдир. Иғроқ тасаввур қилиш қийин, амалда мутлақо бўлмайдиган бўрттиришдир. Ғулув эса тасаввур қилиш жуда қийин, амалда бўлиши асло мумкин бўлмаган даражадаги бўрттириш ҳисобланади.

Муболаға орқали ёзувчи ёки шоир ўзи тасвирлаётган нарса, воқеа, ҳодисаларни бошқаларидан ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Муболаға ўхшатиш, метафора, жонлантириш, мажоз кабилар билан биргаликда ҳам қўлланилади. Ижодкор бу билан тасвир объектини ўрни келганда мақташ ёки масхаралашга эришади. Муболаға образли бўрттиришга, шу орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришиш йўллари билан бири бўлгани боис ҳам, ёзувчилар унга кўп мурожаат қилганлар, муваффақият қозонганлар.

Бу хусусда фикр билдирганда академик И.Султон санъат асарида типиклаштириш муболағасиз бўлмаслигини айтиб ўтади ва “Бадий асардаги ҳар бир образ прототипига нисбатан доим мукамалроқ, умумлашганроқ, ёркинроқ ва шу сабабли сермаънорокдир” -деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, “Ўтган кунлар” романидаги Отабек, Кумуш, Ҳомид сингари кишилар, албатта, ҳаётда яшаб ўтган одамлардир. Бироқ уларнинг ҳеч бири реал ўтмишда бадий асардагидек ёркинлик билан ўз тоифасидаги кишилар даражасида бўлмаганлар. Буни асар давомида китобхон билиб турса-да, асло



ёзувчини тасвир объектини бўрттириб тасвирлашда айбламайди, балки унинг бу тасвирларига ишонади, уларнинг бадиийликка бурканган борлиқларини айна ҳаётий ҳақиқат сифатида қабул қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур асарда нафақат ёзувчининг ўз сўзлари, воқелик ва образлар тасвирини беришдаги нутқи, шунинг билан бир қаторда Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожи сингари персонажлар тили ҳам муболагага бойлиги билан ажралиб туради. Бунинг далилини Отабекнинг Кумушга, Кумушнинг Отабекка ёзган хатларида яққол кўриш мумкин: *Сочларимнинг тукларича беҳад салом* (Кумушнинг Отабекка ёзган хатидан); *Менинг бу мактубимни ёниб*

*турган юрак ўтингиз билан куйдирасиз* (Отабекнинг Кумушга ёзган хатидан).

Яна бир жиҳати муболагали тасвир эпитет шаклида келиши А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида жуда кўп қўлланилган. *Жумладан, кўз ёшларим билан юзимни ювдим; нур ичра кўмлгандек бўлиб кўринган сиймоси; қиз суратида бўлиб кўринган малак; тўлган ойдек губорсиз оқ юзи, муболагали жумлалар* фикримиз далилидир.

Образ яратишдаги муболаганинг ўрни ва аҳамияти юқорида келтирилган мисолларда яққол намоён бўлмоқда. Айна пайтда шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур бадиий санъат тури романтик асарлар учун катта аҳамиятга эгадир.

#### Адабиётлар

1. Розенталь Д.Э., Теленникова М.А. Словарь – справочник лингвистических терминов. –М., 1976., 544 с.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малохати.-Т., 1999.,239 б.
3. Шукуров Н. Адабиётшуносликка кириш.-Тошкент, 1984.,269 б.
4. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Тошкент, 1986.,406 б.
5. Қодирий А. Мехробдан чаён. Роман. – Тошкент.
6. Қодирий А. Ўтган кунлар. Роман. – Тошкент.

*Bozorov Z. Hyperbole and principles of its using in the prose of Abdulla Kodiriy. The article deals with one of the most expressive Stylistic Devices – hyperbole, reviews its history and analyzes vivid examples in Uzbek literature and beyond. Also, other linguists’ considerations about hyperbole are examined thoroughly alongside with author’s own.*

*Бозоров З. О гиперболе и о принципах её применения в художественной прозе Абдулла Кадыри. В статье рассматривается одно из самых выразительных стилистических приёмов – гипербола, анализируется ее история и очевидные примеры в узбекской литературе и за её пределами. Также, тщательно изучены мнения других лингвистов о гиперболе вместе с самим автором.*